

Шодмон ОТАБЕК



Кунлардан
Бир кун

Шодмон Отабек

**КУНЛАРДАН БИР
КУН**

**Тошкент
«ТАФАККУР» нашриёти
2011**

МУҲТАРАМ КИТОБХОН!

Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Тоҳир Малик, Мирпўлат Мирзо каби таниқли шоир ва ёзувчиларнинг асарларини кўп бор ўқигансиз. Истеъдодли ёзувчиларимиздан бири Шодмон Отабек шу ўқиганларингизга кўшимча, қўлида қаламу қоғоз билан йиллар давомида суюкли адибларингиз ҳаётида рўй берган, сиз эшитмаган кулгили воқеалар, тўқилмаган латифалар, ичакузди ҳаётий хангомаларни тўплади, сайқаллади, китоб холида ҳукмингизга бир неча бор ҳавола этди. Кулгисевар китобхонлар уларни мамнунлик билан кутиб олди. «Дўрмон хангомалари» кириб бормаган хонадон қолмади десак муболаға бўлмайди.

Қўлингиздаги янги тўплам ҳам сизга, аввалгиларидай, манзур бўлади, деб умид қиламиз.

Аҳмаджон Мелибоев
муҳаррир

КУЛГУГА ЙЎЎРИЛГАН МЕРОС

Шодмонбекнинг ушбу китобини қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Яхши китоб бўлибди.

Бизда адабий муҳитнинг тарихи маҳсул ёзилмайди. Ушбу китоб ана шу муҳит ҳақида, таниқли адиблар ҳақида ўзига хос, ёрқин таассурот қолдиради, уларнинг сиймолари беғубор кулгу, бетакрор ҳангома, латифалар, нозик қочиримлар, турфа лутфлар воситасида, инсоний жозибаси билан ўқувчи кўз олдига келади.

Мен муҳит ҳақида бежиз тўхталмадим. Балиққа сув қанчалик керак бўлса, ёзувчига, санъаткорга ҳам муҳит шу қадар зарурдир. Буюк адабиётларнинг буюк вакиллари ҳаминша адабий муҳит бағрида товланиб, камол топганлар. Ҳазрат Навоий яшаб, ижод қилган Хирот муҳитини, Фурқат, Муқимий, Завқийларни етиштирган Қўқон муҳитини, Огаҳийнинг номини умрбоқий қилган Хоразм муҳитини эсланг. Муҳитнинг сеҳрли жозибаси,

оҳанрабоси бўлади. Ҳамма ижодкорлар табиий, унга интилади. Французлар «Шоирлар қишлоқларида туғилиб, Парижда ўладилар», деб бежиз айтмаганлар.

Дўрмондаги ўша машхур арғувон тагида бўлиб ўтган ажойиб суҳбатлар, қувнок гурунглари унутиб бўларканми? Бизнинг ижодимиз ҳам ўша Дўрмон муҳитидан, у ерда яшаб, ижод қилган Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Абдулла Қаҳҳор муҳитидан нафас олиб, шаклланган. Бу муҳитдан яна Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Озод Шарафиддинов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев каби ижодкорлар ҳам баҳраманд бўлишган. Муҳитни маълум маънода булоққа, ижодкорни тоблайдиган қайроқтошга, кўнглидагини ёзиш имкони бўлмаганда, худди эртақдагидай, Искандарнинг шохи бор дея дардини айтиб оладиган қудуққа ўхшатиш мумкин.

Адабий муҳитни кулгусиз, қувнок гурунглари тасаввур қилиш қийин. Машхур, таниқли одамлар ҳақида эса ҳамиша қизиқ гаплар, хангомалар бўлади.

Улар ростдан ҳам ҳаётда содир бўлиши ёки туғилиши, ижод қилиниши мумкин. Мухлислар, китобхонлар одатда бундай хангомаларга жуда ўч бўлишади. Афсуски, бизда эпистоляр, мемуар жанрлар яхши ривожланмагани боис буюк сиймоларимиз, уларнинг шахсий ҳаётлари ҳақидаги тасаввуримиз жуда ғариб. Навоий тўғрисидаги қимматли маълумотларни Хондамир каби тарихчилар ёзиб қолдирган. Бобур эса ўзи ёзган. Ҳаёти фожиаларга, ғаройиб воқеаларга бой бўлган Машраб ҳаёти тўғрисида, ҳатто яқин ўтмишда яшаб ўтган Муқимий, Фуркатлар ҳақида ҳам жуда кам нарса биламиз. Уларнинг ҳаёти билан боғлиқ кулгили, қизиқ воқеалар, хангомалар бўлмаган дейсизми? Буларнинг ёнида юриб, Гётенинг шахсий котиби Эккерман сингари айтган ҳар бир диққатга сазовор сўзини ёзиб оладиган одам бўлмаган. Шу боис бебаҳо неъматдан, кулгуга йўғрилган қимматли меросдан бебаҳра қолганмиз...

Машхур масалнавис айтганидек, мусиканинг нозиклиги ва жозибасини ҳис

этиш, тушуниш учун уни эшитадиган нозик қулоқлар ҳам керак. Қизгин суҳбат ва гурунглarda гоҳо бир лаҳзада ўтиб кетадиган нозик қочириmlарни, ним табассумли ҳолатларни ҳамма ҳам бирдек илғайвермайди. Қолаверса, буни илғаш, бундан завқ олиш бошқа-ю уни сўз маржонига териб, оҳорини тўкмай, ўша кайфиятни китобхонга «юқтира билиш» бошқа. Шодмонбекда мен ана шундай истеъдод борлигини кўрдим.

Умр ўткинчи, хотира боқийдир. Ушбу китобнинг қиймати йиллар ўтгани сайин ортиб бораверади, назаримда...

*Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ шоири.*

КУНЛАРДАН БИР КУН ҒАФУР ҒУЛОМ...

Ёзмаса бўлди

Ўзбек халқининг суюкли, машхур шоири Ғафур Ғулом табиатан қувноқ, хазилкаш, суҳбати дилтортар одам эди. У ўткир аскиялари, ҳозиржавоб кулгилари билан ҳар қандай даврага файз киритар, шоир номи билан боғлиқ ғаройиб хангомалар оғиздан оғизга, авлоддан авлодга ўтиб, хали ҳамон яшаб келмоқда.

Кунлардан бир куни Ғафур Ғулом бемаза шеърлари билан хаммани, айниқса, таҳририят ходимларини безор қилиб юрадиган бир шоирни кўчада учратиб, дангал сўрайди:

– Менга қара, ука, шу шеърларингга бир ойда қанча қалам хақи оласан?

– Кўп эмас, юз сўм (ўтган аср ўрталаридаги пул – Ш.О.) оламан, Ғафур ака.

– Агар бошқа шеър ёзмасликка сўз берсанг, ўзим сенга ойига икки юз сўмдан бериб тураман. Келишдикми?..

Фан–техника мўъжизаси

Ғафур Ғулом ўзига хос, кутилмаган шумликлари билан ҳам машҳур бўлган. Ўша даврда «витамин» деб аталувчи таблеткалар энди расм бўлаётганди. Бир куни ижодкорларнинг катта анжуманида Ғафур ака ўша таблеткадан биттасини худди нос отгандек тилининг тагига ташлайди. Буни кўриб қолган машҳур рассом Абдулҳақ Абдуллаев қизиқиб сўрайди:

– Ғафур ака, бу қанақа дори?

– Бу – янги, замонавий ароқ! Билдингми? Ҳозир фан–техника ривожланиб кетган. Ароқниям таблеткасини ўйлаб топишибди. Биттасини шундоғ тил тагига ташласанг бас, мазза қилиб кайф қилаверасан.

Рассомнинг ишонқирамаганини кўрган шоир яна шундай дейди:

– Мана, ўзинг биттасини синаб кўр, кайф қилмасанг мен кафил.

Умрида ичмаган, фариштасифат Абдулҳақ ака иккилана–иккилана илм–фан мўъжизаси бўлмиш таблетка-ароқни тилининг тагига ташлайди-ю секингина хонасига йўл олади.

Орадан кўп ўтмай рассомнинг хонасидан анжуман раҳбарининг шанғиллаган, зардали овози эшитилади:

– Ким шундай фаришта одамни йўлдан урди? Ахир ҳозир учрашув бошланади-ку! Рассомимиз ғирт маст. Мен масалани бундай қолдирмайман.

Раҳбарга Ғафур аканинг ҳазилини туншунтиришганда у қотиб–қотиб кулади.

Яраш-яраш

Ғафур Ғулом Дўрмонда Абдулла Қаҳҳор билан аразлашиб қолади. Орага со-вуклик тушади, икки оқсокол ўзаро салом-аликни ҳам йиғиштириб қўйишади. Бу орада Абдулла Қаҳҳор дала ҳовлисида зиёфат уюштирадиган бўлади. Буни эшитган Ғафур аканинг ҳаловати йўқолади. Саид Аҳмадни чақириб, ундан секин сўрайди:

– Устозинг мениям чақирармикан?

– Билмадим, чақирмаса керак. Сиздан қаттиқ хафа, – дейди Саид Аҳмад тўғриси айтиб.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq
versiyasi

<https://kitobxon.com/oz/asar/1331>

saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг
тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1331>
сайтида.

Это был ознакомительный отрывок.
Полную версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1331>